

## Хайр Рамазон...



19:40 / 12.05.2021 2674

Келишинг энтикиб кутганимиз фазилатли ой ҳам кўз очиб-юмгунча сафари қариб, жўнашга шайланиб турибди...

Ҳаёт ҳам шундай...

**«Соат (қиёмат) иши эса, кўз очиб-юмгандек ёки ундан ҳам яқинроқдир..».** (Наҳл сураси, 77-оят).

Аллоҳнинг фазли ила кўпчилик қатори Рамазон рўзасини тутишга қодир бўлдик, саҳарлик ва ифторликларда ҳозир бўлдик, ҳар биримиз ўз ҳолимизга кўра Қуръон тиловатига машғул бўлдик ва яна қанчамиз таровеҳларда иштирок этдик. Алҳамдулиллаҳ.

Дунёнинг кўплаб юртлари вабо билан олишиб ётганида, уйларига қамалиб кўринмас офатдан жон сақлаётган бир паллада гўзал юртимизда рўзаю

таровехларга қодир этган, масжидларни тўлдириб Қуръони азийм хатмларига мушарраф этган, офиятда сақлаган Раҳмону Раҳим зотга чексиз ҳамду санолар.

**«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳмли зотдир».** (*Наҳл сураси, 18-оят*).

Юртимиздан тез фурсатларда ушбу вабо даф бўлишини, уйларда ва шифохоналарда дард ила курашаётган яқинларимиз, кексаларимиз ва гўдақларимизга шифо беришини илтижо қиламиз,

Аллоҳим, ато этганинг мағфират ва дуо мавсумида йўл қўйган сусткашлигимиз, дангасалигимиз ва эътиборсизлигимиз учун Ўзингга истиғфор айтамиз, қабул эт, кечиргин.

Хайр Рамазон... Сенла яна кўришиш умидида хайрлашар эканмиз, қалбларимизда тақво зиёда бўлишини, рўзаларинг Унинг ҳузурда шафоатчимиз бўлишини қаттиқ истаб қоламиз...

Аллоҳим, диёримизга, бутун олам мўмин мусулмонларига Рамазон ҳайитини муборак қилгин. Ушбу ойдан улуғ-улуғ ажру савобларга эга ҳолда, хатою нуқсонлардан покланиб, ҳузурингда даражаларимиз юксалиб чиқмоқни насиб эт, муяссар эт!

**«Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар биландир».** (*Наҳл сураси, 128-оят*).

**Бобур Аҳмад**